2016 ЙИЛ 24 МАЙ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 105 (13.168)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 май куни Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишлардаги барқарор ва ишончли ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли манфаатларга асосланган стратегик шериклик муносабатларининг устувор йўналишлари ва истиқболини белгилашда мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Учрашувда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга бўлажак давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Хитой ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплаган. 2015 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган Хитой инвестицияси ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 651 корхона фаолият кўрсатмоқда, бир қанча муҳим қўшма лойиҳалар амалга оширилган.

Икки мамлакат ишбилармонлари "Ангрен" махсус индустриал зонасида шина ва конвейер лентали ишлаб чиқариш заводини, "Навоийазот" акциядорлик жамияти базасида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш бўйича ва бошқа йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кўп асрлик тарихий ришталарга асосланган таълим, илм-фан, технологиялар, тиббиёт ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида бўлиб ўтадиган тадбирларда Хитойнинг иштироки ва Ўзбекистон –Хитойнинг ўзаро ҳамкорлигига доир бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ШҲТнинг кузатувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтадиган саммити муҳим сиёсий воқеа бўлиб, саммит давомида ташкилотнинг турли соҳалардаги фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилиниши таъкидланди.

Меҳмон Президентимизга самимий қабул ва ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

ЎзА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Бандлик дастури – амалда



Ислом Исмоилов олган сурат

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимиздаги "Ёшлар ижод саройи" икки кун мобайнида битирувчи ёшлар ва аҳоли билан гавжум бўлди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 22-23 май кунлари "Бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркаси" ўтказилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н. Ҳусанов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсадли дастурлари изчиллик билан амалга оширилаётгани иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати, турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлаётганини, мазкур ярмаркада 613 корхона ва ташкилот ўзларининг 6,5 мингга яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этаётганлигини таъкидлади.

Айтиш жоизки, Ёшлар ижод саройи фойесида пойтахтимиздаги йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес субъектлари вакилларини кўриш мумкин эди. Тадбирни юқори савияда ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари бўш (вакант) иш ўринлари билан қатнашишди, улар томонидан имтиёзли кредит ва соддалаштирилган лойиҳалар тақдим этилди.

Биз тадбир иштирокчиларидан айримларини суҳбатга тортдик.

— Ўзимиздаги мавжуд 56 та бўш иш ўрни билан ушбу ярмаркада қатнашаяпмиз, — дейди Тошкент иссиқлик маркази АЖ кадрлар бўлими мутахассиси Феруза Турғунова. — Корхонамизда 435 ходим меҳнат қилади. 26 та бўш иш ўрнимиз мавжуд, шундан 20 таси квоталанган иш ўрни, корхонамизга асосан техник йўналишдаги мутахассислар керак.

— Бизга механиклар зарур, — дейди Яшнобод туманида жойлашган шиша маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона менежери Дилшод Абдуқаххоров. — Олий маълумотли технолог, бухгалтер, механикларни ишга қабул қиламиз.

Меҳнат ярмаркасида маҳаллалардан ҳам фуқаролар иштирок этдилар. Мисол учун, Мирзо Улуғбек тумани Темур Малик номли маҳалладан ташриф буюрган Шаҳло Одилова тиббиёт коллежини битирганлигини, ўз соҳаси бўйича ҳамшира бўлиб ишламоқчилигини, шу мақсадда ярмаркага ташриф буюрганини маълум қилди.

— Тошкент иқтисодиёт коллежининг 3-босқичида ўқийман, — дейди Фотима Эргашева. — Бугунги меҳнат ярмаркасига келиб корхоналардаги мавжуд бўш иш ўринлари билан танишаяпман. Келгусида бухгалтерия соҳаси бўйича ишга кирмоқчиман.

— Ушбу ярмаркага 14 та ўқувчимни олиб келганман, — дея суҳбатга қўшилди ушбу коллежнинг информатика фани ўқитувчиси Дилноза Юсупова. — Ўқувчиларим меҳнат ярмаркасида бўш иш ўринлари билан танишиб, ўзлари учун керакли маълумотларни олмоқда.

Ярмаркада тўқимачилик, тикувчилик, нефть-газ, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тиббиёт, таълим, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги иш ўринлари билан танишиш мумкин эди.

— Яккасарой туманидаги кўп тармоқли поликлиникадан келганмиз, — дейди мутахассис Шавкат Ибрагимов. — Бизга олий маълумотли шифокорлар керак, шунингдек, ҳамшираларга ҳам жойларимиз бор. Иштирокчиларга шу ҳақда маълумот бермоқдамиз.

— Ушбу ярмаркани Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Меҳнат вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ Департаменти, ички ишлар, маҳалла, тижорат банклари, "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда ташкил этдик, — дейди ярмарка ташкилотчиларидан бири, Тошкент шаҳар меҳнат бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Қудратилла Одинаев. — Унда пойтахтимизнинг 11 та туманидаги ишсиз фуқаролар ҳамда коллеж битирувчилари қамраб олинди, ўйлайманки, улар ўзларига маъқул келадиган иш ўринлари билан танишдилар. Бундан ташқари ярмаркада 50 га яқин тижорат банклари иштирок этиб, ўз бизнесини очмоқчи бўлган коллеж битирувчилари билан маълумот алмашдилар.

— Ушбу ярмаркада қатнашиб, коллеж битирувчиларига бизнесни ташкил этиш, кредит олиш шартлари ҳақида маълумотлар бердик, — дейди "Микрокредитбанк" АТБ етакчи мутахассиси Бобур Ибрагимов. — Шунингдек, ўзимиздаги мавжуд иш ўринлари билан ҳам таништирдик.

— Бугунги ярмаркада "Дори-дармон" акциядорлик компаниясига фармацевтика ассистенти вазифасига ишга йўлланма олдим, — дейди Умида Худойбердиева биз билан суҳбатда. — Ўз мутахассислигим бўйича иш ўрнига эга бўлганимдан хурсандман.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, икки кун давом этган меҳнат ярмаркасида 5 мингга яқин маҳаллалардаги вақтинча ишсиз аҳоли ҳамда коллеж битирувчилари қатнашди, кўплаб фуқароларга ишга жойлашиш учун йўлланма ва маслаҳатлар берилди. Аслида ярмаркани ўтказишдан кўзда тутилган мақсад ҳам шу эди.

З.ШАРИФЖОНОВ

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ташаббуси билан партиянинг Наманган вилояти, шаҳар ва туман кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва тажрибаларини оммалаштиришга бағишланган республика ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилояти Иштихон туманида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Урганчда "Инвестор – рақобат пойдевори" мавзусида тадбиркорлар форуми бўлиб ўтди. Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси, саноат тармоқларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари, бугунги кунда эришилаётган ютуқлар бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва иқтисодчи олимларнинг маърузалари тингланди.

● Навоийда "Ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда журналист позицияси: ютуқ, тажриба ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг Наманган шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● Бухорода "Иқтисодий низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари: миллий амалиёт ва хорижий тажриба" мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистонда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашнинг долзарб масалалари, иқтисодий низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини жорий этишда миллий ва халқаро тажрибага алоҳида эътибор қаратилди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг "Tesla Motors" компанияси яқинда тақдим этган "Model 3" русумидаги электромобилларига келиб тушган буюртмалардан 12200 таси бекор бўлганини маълум қилди. Шу боис мазкур бренд харажатларни қоплаш учун оддий акцияларини 2 миллиард АҚШ долларига сотмоқчи.

● Францияда ишсизлик даражаси жорий йил биринчи чорагида ўзгармади. Худди 2015 йилнинг сўнгги уч ойида бўлгани каби ушбу кўрсаткич 9,9 фоизлигича қолди. 25-50 ёш оралиғида ишсизлар сони ўсган бўлса, аксинча, кексалар ўртасида камайди.

● Халқаро миқёсдаги "Uber" такси компанияси ўзининг ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобилини расман омма эътиборига ҳавола этди. У гибридли двигатель ўрнатилган "Ford Fusion" модели базасида яратилган.

"Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистон нефть ва гази – OGU-2016" ҳамда "Энергетика, энергия тежамкорлиги, электротехника қурилмалари, ахборот-ўлчов техникалари – Power Uzbekistan 2016" халқаро кўргазмалари доирасида "Энергия самарадорлиги ва энергиянинг қайта тикланадиган манбалари – иқтисодиётни барқарор ривожлантириш асоси" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда етакчи иқтисодиёт тармоқлари мутасаддилари, мутахассислар, олимлар, халқаро экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини қисқартириш, замонавий энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган изчил ислоҳотлар иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Бу борада 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишлаб чиқаришда энергия сиғимини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда 500 миллион киловатт/соат электр энергияси ҳамда 150 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилиниши кутилмоқда. Етакчи иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш йилига 250,1 миллион киловатт/соат электр энергияси, 3 миллион куб метр табиий газ ҳамда 20,1 Гкал иссиқлик энергиясини тежаш имкониятини яратади.

Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Жаҳон банки гуруҳининг "Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида электроэнергетика, нефть ва газ, кон-металлургия, кимё, қурилиш, қайта ишлаш тармоқларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида йилига 539 миллион киловатт/соат электр энергияси ҳамда 252 миллион куб метр табиий газ тежалади.

– Бундан ташқари, чиқинди газлардан унумли фойдаланишга қаратилган технологияларни ўрнатиш юзасидан ҳам иш олиб борилмоқда, – дейди Жаҳон банкининг лойиҳа раҳбари И.Бўронов. – Мазкур лойиҳада Ўзбекистон металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати, "Муборакнефтгаз", "Шўртаннефтгаз", "Қизилқумцемент", "Фарғонаазот" сингари йирик саноат корхоналари иштирок этмоқда. Бунинг натижасида электр энергия ва табиий газни иқтисод қилиш кўлами янада ортади.

Тадбирда журналистлар кўргазма доирасида энергия ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, энергиядан самарали фойдаланиш ва уни ҳисобга олишни ташкил этиш, энергия тежамкор технологиялар, қайта тикланадиган энергия манбалари йўналишларида намойиш этилаётган экспозициялар билан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ, ЎзА мухбири

Маҳалла – ҳаётимиз кўзгуси

МУҲИМ ЖАРАЁН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинлари жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик, аҳиллик, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш ва оилаларни мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, миллий қадриятларни эъзозлашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Юнусобод туманида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юксак савияда ўтказилмоқда.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялари, ишчи гуруҳлар томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига обрў-эътиборли, фаол ва ташаббускор номзодлар кўрсатилди.

Тумандаги "Шарқ ҳақиқати" маҳалласида ўтказилган сайловда сайловчилар номидан 58 вакил қатнашди. Фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган уч номзод ўз дастури билан сайловчиларни таништирди. Ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра маҳаллада раислик қилиб келаётган Шавкат Ирисметовга яна бир бор ишонч билдирилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимига кўрсатилган 34 номзоддан 17 нафари ёпиқ овоз бериш йўли билан маслаҳатчиликка сайланди.

— Маҳалла юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади, – дейди маҳалла фаоли Турсунбой Улканбоев. — Фуқаролар йиғини раиси масъулиятли вазифа бўлиб, айни пайтда шарафли лавозим эгаси ўзининг ташкилотчилиги, хулқ-атвори, билими, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб туриши, эл орасида обрў-эътибор қозонган бўлмоғи даркор. Ўтказилган сайловда биз айнан шундай раисга овоз бердик. Бу эса келгусида маҳалламизнинг янада обод бўлишида муносиб ҳисса қўшади.

Тумандаги "Ҳасанбой", Шайх Шиблий маҳаллаларида ҳам маҳалла раислари ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёнлари очиқ ва демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтганлигини таъкидлаш лозим.

Зиёда РАСУЛОВА

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори М.Алиев, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Д.Абдуқодиров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципи ҳаётга изчил татбиқ этилди. Ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимияти ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг роли кучайтирилди.

Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятида қонунийлик тамойилига алоҳида эътибор қаратиш ўрин олган. Айниқса, давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир. Конституцияда жамоатчилик назорати, парламент назорати каби институтларнинг ифодаланиши бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, барча тузилмалар, аввало, мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш зарур. Бунда қонунни бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолат бўйича аниқ жазо турлари, ҳуқуқий таъсир чоралари кўзда тутилиши керак.

Шу борада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун ҳужжатини қабул қилиш ва амалга ошириш, энг муҳими, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш мамлакатимизда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш жамият тараққиётининг муҳим мезонидир. Шундан келиб чиқиб конференцияда давлат бошқарувида қонунийликни таъминлашда парламент назоратининг тутган ўрни, қонун устуворлиги таъминланишида юридик фанларнинг аҳамияти, давлатчилик тарихида қонунийлик ва адолат масалалари, давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашга оид маъмурий ислоҳотлар каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Академия профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Тошкент давлат юридик университети, Ички ишлар вазирлиги академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети вакиллари иштирок этган тадбирда муҳокама қилинган масалалар бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда "Партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг электорати манфаатлари ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш дастуридан келиб чиқиб Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Анжуманлар

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР



Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимияти, ҳудудий партия ташкилоти раҳбарлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Ушбу семинар-тренингни ўтказишдан депутатлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, маҳаллий ва давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги самарали ташкил этиш бўйича депутатларнинг касбий маҳоратларини янада ошириш каби бир қатор мақсадлар кўзланди.

Унда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Р.Комилов, Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Х.Бобохонов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Д.Аюпов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари ўринбосари Б.Ғаниев ва бошқа маърузачилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган дастурий вазифалар, хусусан, мамлакат ривожланишининг ҳозирги босқичида "Олий Мажлис — парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга" эканлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Тадбир давомида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши партия гуруҳлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, партия гуруҳларининг депутатлик назоратини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш, депутатларнинг ўз сайлов округларида сайловчилар билан тизимли ишларни ташкил этиши тўғрисидаги маърузалар тингланди.

Тадбирда партия гуруҳлари ва маҳаллий Кенгашнинг доимий комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш, жойларда қонунлар ва бош-қа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишда сиёсий партиянинг парламентдаги фракция аъзолари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш масалаларида қизғин мулоқотлар бўлиб ўтди.

Шунингдек, семинар-тренинг давомида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширишда депутатлик гуруҳларининг туман Кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари билан ўзаро фаолиятини такомиллаштириш, депутатларнинг ўз сайлов округидаги сайловчилар мурожаатларини кўриб чиқишни самарали ташкил этиш ҳамда "Аҳолини ўз фаолиятидан хабардорлигини ошириш мақсадида партия гуруҳларининг жойлардаги ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкиллаштириш" масалалари бўйича баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, партиянинг депутатлик гуруҳи фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ — ДАВР ТАЛАБИ

Суғурта хизматлари бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилувчи самарали воситага айланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 10 апрелдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари кўлами ва сифатини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги суғурта компаниялари томонидан аҳолига кўплаб турдаги суғурта хизматлари кўрсатилаётир. "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг икки юздан ортиқ туман ва шаҳар бўлинмасида икки мингдан зиёд суғурта агенти фаолият юритмоқда. Аграр тармоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган ушбу ташкилот корхона ва муассасалар, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган.

– Жамиятимиз суғурта тармоғининг барча йўналиши бўйича хизматлар кўрсатади, – дейди ЎзА мухбирига "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг қишлоқ хўжалиги ва молиявий таваккалчиликларни суғурталаш департаменти бош менежери Абдурашид Ваҳобов. – Бугунги кунда суғурталанувчиларга юздан ортиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга қирқдан зиёд суғурта тури таклиф этилмоқда. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилаётган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини, экинлар ҳосилини, барча турдаги парранда ва чорва молларини, лизинг шартлари асосида берилган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурталаш фермерларга манзур бўлаётир.

Мамлакатимизда интенсив боғлар майдони йил сайин кенгаймоқда. Уларни суғурталаш муҳим бўлгани боис "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича бир қатор янгиликларни жорий қилмоқда. Суғурта шартномалари соддалаштирилиб, суғурта таваккалчиликлари 14 тадан 17 тага кўпайтирилди. Алоҳида суғурта таваккалчиликлари учун суғурта тарифлари белгиланиб, улар ҳудудлар бўйича табақалаштирилди. Суғурта даъволарини кўриб чиқиш ҳам соддалаштирилди ва суғурта ҳодисаси юз бермаганда суғурта тарифларини камайтириш амалиёти жорий этилди. Келгусида зарар даражасидан келиб чиқиб, суғурта тарифларини доимий равишда қайта кўриш, давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратиладиган кредит маблағлари қайтарилмаслиги суғуртаси бўйича электрон дастурни жорий этиш, янги интерактив хизматларни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз.

Ўзига хос ёндашувни талаб қиладиган суғурта турларидан яна бири чорвани суғурталашдир. Унинг бошқалардан фарқи шундаки, суғурта турларида етказилган зарар қисман қопланса, бунда зарарни қоплаш фақатгина чорва нобуд бўлганда амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2015 йил 29 декабрдаги 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ижросини таъминлаш, аҳоли ва фермерларнинг чорвасини табиий офатлар, касалликлар ва бошқа ҳодисалар оқибатида нобуд бўлишидан суғуртавий ҳимоялаш мақсадида фермер хўжаликлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Аҳолининг суғурта хизматларига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Табиий офатдан ёки чорва молларининг касалликка чалинишидан зарар кўрган фуқаролар уларни ихтиёрий суғурта қилган бўлса, зарар тўлиқ қопланмоқда.

Мухтасар айтганда, "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларни турли табиий офатлардан ҳимоялашда муҳим омил бўлмоқда.

Сайёра ШОЕВА

Қонун кучга кирди

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хабарингиз бор, апрель ойидан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексига мамлакатимиз манфаатларига зид битимлар тузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган муҳим қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Президентимиз Ислом Каримов 2015 йил якунлари ҳамда 2016 йилги устувор вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида чет эл инвестицияларини иқтисодиётимиз тараққиётига жалб этишда, аввало, шулар ҳисобидан хориждан олиб келинадиган техника ва технологиялар замон талабига жавоб берадиган энг юқори даражада бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу эса эскирган, талабга жавоб бермайдиган асбоб-ускуналарни олиб келиш ва ишга тушириш юзасидан буюртмачиларнинг жавобгарлигини кучайтиришни талаб этади. Ана шу мақсадда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодекси янги нормалар билан тўлдирилди.

Таъкидлаш жоизки, жиноий даромад орттиришни кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига муқаддам қўлланилган, жисмоний ишлатиб бўлинган ва маънан эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ёхуд технологияларни олиб кириш орқали давлатга наф келтирмаслиги аён бўлган битимлар тузиш – мамлакатнинг экспорт салоҳиятига ҳамда валюта ва марказлаштирилган маблағлардан оқилона сарфланишига салбий таъсир кўрсатиб, корхоналарнинг банкрот бўлишигача олиб келаётган эди.

Бундай битимлар асосан, олиб кириладиган асбоб-ускуна ва технологияларнинг нарх-наво таҳлили ва экспертлик баҳосини беришга ваколатли бўлган мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда содир этилмоқда.

Амалдаги Жиноят кодексининг "Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зид битим тузиш" деб номланувчи 175-моддасида давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган ҳолда жиноят содир этилган тақдирда ҳам 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланарди. Бу эса қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига номутаносиб бўлиб, мавжуд норма жиноятнинг олдини олиш ва профилактика қилиш имкониятини чеклар эди.

Қолаверса, мавжуд қонунчиликда мамлакатга олиб кириладиган асбоб-ускуна ва технологиялар нарх-навосининг таҳлили ва экспертлик баҳосини беришга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласи назарда тутилмаган. Айни чоғда, амалдаги қонунчиликда қайд этилган ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жавобгарлик назарда тутилмаган.

Янги қонунни қабул қилиш жараёнида халқаро тажриба ҳам атрофлича ўрганилди. Хорижий давлатлар қонунчилигида "мамлакатга нисбатан суиистеъмолчилик ва фирибгарлик" тариқасида ифодаланувчи давлат манфаати учун наф келтирмайдиган битимлар тузганлик учун бир мунча қаттиқ жазо чоралари назарда тутилган.

Мисол учун АҚШда бундай хатти-ҳаракатлар учун 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 10 миллион доллар миқдорида жарима тайинланади. Германия, Корея, Латвия ва Россияда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, Сингапурда эса 20 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган.

Қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, мамлакатимиз ҳудудига муқаддам қўлланилган, жисмоний ишлатиб бўлинган ва маънан эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ёхуд технологиялар олиб кирилишининг олдини олишга қаратилган қонун айнан шу мақсадларда қабул қилинди.

Қабул қилинган қонунни амалда бир хилда қўллаш ва унинг ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида "муқаддам қўлланилган", "жисмоний ишлатиб бўлинган", "маънан эскирган", "замон талабига жавоб бермайдиган" асбоб-ускуна ёхуд технологиялар каби атамалар соҳалар миқёсида (саноат, ишлаб чиқариш, АКТ, соғлиқни сақлаш) янада аниқлаштирилди. Мисол учун, "замон талабига жавоб бермайдиган" асбоб-ускуна ёхуд технологиялар деганда, юқори қувватда ишлайдиган, энергияни кўп сарфловчи, маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлай олмайдиган асбоб-ускуна ва технологиялар назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Республика суд-экспертиза марказида асбоб-ускуна ва технологияларнинг техник ва технологик талабларга жавоб бериши ҳамда нархларининг мўътадиллиги юзасидан асосланган хулоса бера оладиган мустақил бўлим яратилиши белгиланди. Хусусий сектор томонидан замон талабига жавоб бермайдиган асбоб-ускуна ва технологиялар олиб келинишининг олдини олиш мақсадида иқтисодий чоралар (импорт учун бож, солиқ ва бошқа тўловларни ошириш орқали) янада кучайтирилди.

Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар давлат манфаатларига зид битимлар тузилишининг олдини олиш билан бирга, марказлаштирилган ва давлат кафолати остида олинаётган валюта кредитларидан оқилона фойдаланишини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаб, маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади, иқтисодиётимиз янада жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлайди.

Даврон АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида буйрак тоши касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволашнинг замонавий услубларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро

ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ ВА САЛОМАТЛИК

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган урология маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олимлар, уролог, эндокринолог, умумий амалиёт шифокорлари, ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоёров, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори Ж.Собиров, Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори Ф.Оқилов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, халқимизнинг узоқ умр кўриш кўрсаткичини узайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуламал бўлаётир.

Тиббиёт тизимини модернизациялашга йўналтирилган изчил чора-тадбирлар самарасида урология соҳаси ҳам ривожланмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда аҳолига бу йўналишда замонавий андозалар асосида тиббий-профилактика ёрдами кўрсатилмоқда. Жаҳон тиббиётининг илғор технологиялари билан жиҳозланган Республика ихтисослаштирилган урология марказининг ташкил этилиши аҳолига бу борада кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётир.

Урология соҳасига юксак тиббий технологияларнинг кириб келиши туфайли илгари операция билан даволанган кўпгина хасталикларни тиғсиз даволаш, беморларни соғлом ҳаётга қайтариш имконияти кенгаяётир. Буйрак тоши касаллигини даволаш бўйича эришилаётган натижалар бунга мисолдир. Бугунги кунда мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларида бундай беморларнинг қарийб тўқсон фоизи эндоскопия усулида самарали даволанмоқда. Бу кўрсаткич ушбу йўналишда жаҳондаги энг илғор мамлакатларда эришилаётган натижалар билан тенгдир.

Халқимизга бу йўналишда кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларида урология бўлимлари ташкил этилиб, замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланди.

Илмий-амалий анжуманда мамлакатимизда аҳолига урологик хизмат кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, буйрак тоши касаллигини даволашнинг янгича тамойилларини қўллаш, янги технологиялардан оқилона фойдаланиш борасидаги вазифаларга оид маърузалар тингланди. Видеомулоқот тарзида ташкил этилган анжуманда вилоятлардаги соҳа мутахассислари ҳам тажриба алмашди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Тадбирлар

БИЛИМ КЎНИКМАЛАРИ БОЙИТИЛДИ

Маълумки, она Ватанимиз истиқлолга эришгач, юртимизда маънан ва жисмонан баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, бугунги кунга келиб, бошланғич таълимга катта эътибор қаратиляпти.



Яқинда пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган 194-ўрта таълим мактабида "Бошланғич синфлардаги ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар билан ишлаш" мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди. Мазкур анжуман Республика таълим марказининг "Ўрган-ўргат" дастури асосида ташкил этилган бўлиб, унда Учтепа тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли ўрта мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда "Ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар билан ишлаш методикаси"да белгиланган устувор вазифалар юзасидан турли мавзуларда маърузалар тингланди. Айниқса, бошланғич синфда таълим олаётган болаларнинг нутқидаги ўзгаришларни, олган билим, кўникмаларини кузатиш, педагогларнинг иш тажрибаларини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

— Аввалambор, ҳозирги замон бошланғич синф ўқитувчиси тинмай ўз устида мустақил ишлаб, касбий салоҳияти ва маълумот даражасини ошириб бориши, болалар психологияси ва бошланғич таълим методикасини яхши билиши ҳамда фандаги барча янгиликлардан хабардор бўлиши, шунингдек, илғор методикаларга эга бўлган тажрибали методист-ўқитувчилар билан ўз тажрибалари тўғрисида ўртоқлаша олиши, самарали ўқитиш услубларини намойиш этиши лозим. Бу борада мактабимизда фаолият юритаётган Юлия Терёхина, Марина Кадирова, Роза Аллаярова каби бошланғич синф ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган ишлар ибратга лойиқ. Улар давомати, ўзлаштириши паст ва дарсларга тўлиқ қатнаша олмайдиган ўқувчилар билан алоҳида иш олиб боришади. Бу каби ўқув-семинарлар мунтазам равишда ўтказиб турилса мақсадга мувофиқ бўлади, — дейди Учтепа туманидаги 194-ўрта таълим мактаби директори Нилуфар Раҳимбобоева.

Шунингдек, ўқув-семинарда таълим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнида кенг қўллаш, ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиш эмас, балки эгаллаётган билимларини ўзлари мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, чет тилларини бошланғич синфлардан чуқурроқ ўргатиш масалалари бўйича ўртоқлашиб олдилар. Қолаверса, илғор, тажрибали ва ижодкор ўқитувчиларнинг олиб бораётган ишлари юзасидан ўзаро тажриба алмашилди.

Қизғин ва мунозараларга бой, ишчан рухда кечган ўқув-семинарида ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам айтиб ўтилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Хулоса ўрнида машойихлар таъбири билан айтадиган бўлсак, болаликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир. Шундай экан, келажак авлодимизнинг билим ва тафаккур бобида буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлиб тарбия топишлари учун барчамиз масъулмиз!

Бахтиёр ЖЎРАЕВ
Козим Ўлмасов олган сурат

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАВСУМИ:

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТАДИ

Ҳадемай умумтаълим мактабларида ўқиш тугаб, ўқувчилар учун ёзги дам олиш мавсуми бошланади. Бундай пайтда ота-оналар ўз фарзандини яхши оромгоҳларда дам олишини исташади. Республикамизда ўқувчиларнинг мириқиб ҳордиқ олишлари учун хизмат қиладиган оромгоҳлар талайгина. Қолаверса, янги мавсумга бир қатор янги оромгоҳлар болажонлар учун ўз эшигини очмоқда.

Ана шундай оромгоҳлардан бири Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Хондайлиқ" қишлоғида жойлашган "Баркамол" болалар спорт ва дам олиш оромгоҳидир. Бу ерда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўқув семинари ташкил этилди.

Бу йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш ҳамда ўтказиш ишлари сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида ташкил этилган семинарда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мутасаддилари, ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар раислари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, тегишли вазирлик, идора ва бошқарма вакиллари, стационар турдаги оромгоҳлар бошлиқлари ҳамда ёз мавсуми давомида оромгоҳларда фаолият кўрсатувчи ходимлар иштирок этди.

Дастлаб семинарга ташриф буюрганлар янгидан қуриб битказилган оромгоҳ шарт-шароитлари билан танишишди, шундан сўнг ялпи йиғилиш ва ҳар бир соҳа мутахассислари учун ташкил этилган секцияларда қатнашишди.

— Оромгоҳимиз 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, ёзги мавсумга шай ҳолга келтирилди. 2 та ётоқ биноси, ёзги ва қишки спорт зали, катталар ва кичиклар учун бассейн, ошхона, стадион, дам олувчилар учун барча шароитлар мавжуд, — дейди "Баркамол" оромгоҳи раҳбари Шерзод Йўлдошев.

Ялпи йиғилиш давомида Касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилари томонидан иштирокчиларга мавсум давомида барча турдаги болалар оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш, болаларнинг мазмунли ва қизиқарли дам олишини таъминлаш йўналишларида устувор бўлган масалалар тўғрисида тушунтиришлар берилди. Хусусан, оромгоҳларда болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сифатли етказиб бериш билан бирга уларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб беришини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, оромгоҳларда фаолият кўрсатиш учун ҳар бир соҳадан малакали ходимларни жалб этиш йўналишларида тегишли тавсиялар берилди. Бугунги оромгоҳ фақатгина соғломлаштириш маскани эмас, балки ўғил-қизларни интеллектуал ривожлантириш марказларига айланиши зарур эканлиги таъкидланди.

Семинарда қайд этилганидек, мамлакатимизда республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси тасдиқланган, оромгоҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш имкониятлари кенгайди. Йилдан-йилга соғломлаштириш ишларининг сифати ошмоқда, дам олувчилар сони кўпаймоқда. 2012 йилда 252 мингдан ортиқ болалар дам олдирилган бўлса, бугунги кунга ушбу кўрсаткич 290 мингдан ошди.

— Республика ҳукумати томонидан болалар оромгоҳларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларни замонавий дам олиш масканларига айлантиришга катта эътибор қаратилиб, оромгоҳлар йилдан-йилга янгиланиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги "Касаба таянч" шўъба корхонаси директори Тўлқин Хидиров. — 2012-2015 йилдан буён қабул қилинаётган Манзилли дастурлар асосида мамлакатимизда 9 та оромгоҳ янгидан қурилди, 27 та оромгоҳда реконструкция ишлари олиб борилди ва 45 та оромгоҳ капитал таъмирланди. Бу ишлар натижасида, оромгоҳларда ўринлар сони 4 минг 856 тага кўпайди.

Хусусан, бу йил ёз мавсуми давомида республикамиз ҳудудларида 15 та интеллектуал ривожлантириш, 14 та экологик-биологик, ўлкашунослик, 14 та техник ижодкорлик, 14 та бадиий ижодиёт, 7 та ижтимоий мослашув оромгоҳлари ташкил этилади. Шунингдек, ўсмир ёшидаги болаларни ҳордиқ билан қамраб олиш мақсадида ташкил этилган "Меҳнат ва дам олдириш" оромгоҳлари сони жорий йилда 140 тани ташкил этади.

Интерфаол усулларда ташкил этилган секция машғулотлари давомида ҳар бир соҳа вакиллари, хусусан, педагог кадрлар, етакчилар ва тўгарак раҳбарлари, спорт йўриқчилари, тиббиёт ходимлари, техник ходимларнинг тарбиявий ишларни кучайтириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни қизиқишларига мувофиқ тўгаракларга жалб этиш, тегишли ҳужжатларни юритиш каби соҳалардаги билим ва кўникмалари оширилди.

Қ.ЗОКИРОВ

Ёшлар – келажагимиз

Мактаб қўнғироғининг жаранги ҳар бир ўғил-қиз қалбини ҳаяжонга солади. Унинг бугунги садоси ўзгача. Бу садо кўзлари чақнаб турган биринчи синф ўқувчилари учун ҳам мароқли. Энди улар ушбу қутлуғ даргоҳдан коллежу лицейлар томон парвоз қилишга шайланган ака-опаларига ўхшашга, улардек аъло баҳоларга ўқишга, "Билимлар беллашуви" ва фан олимпиадаларида фахрли ўринларни олишга интилишади.

КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Президентимизнинг эл-юртга содиқ, имон-эътиқодли, мард ва жасур, маънан бой, ақлан етук, жисмонан бақувват авлодни камолга етказиш борасидаги фикрларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса. "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" дея таъкидлашлари замирида олам-олам маъно мужассам.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида бўлиб ўтаётган тадбирлар ўқитувчи–ю ўқувчилар, ота-оналар учун эсда қоларли дамларни ҳадя этмоқда.

25 май — "Сўнгги қўнғироқ" чалинадиган кун. Бу фараҳли кунни битирувчилар бир умр эслаб юрадилар. Қалдирғочлар илк парвозга шайланиб турибдилар. Уларни катта муваффақиятлар, ютуқлар ва нурли келажак кутмоқда.

Барча ўқитувчи, мураббий ва ўқувчилар, синф раҳбарлари ҳаяжон ва ҳис-туйғулар оғушида. Улар бу қувончли кунни анчадан бери орзиқиб кутишаётган бўлса–да, қизлар ва ҳаттоки баъзи ўқитувчиларнинг кўзларида ёш қалқиганининг гувоҳи бўласиз. Тўққиз йил бир мактабда ўқиб, ўқувчиларни ўз бағрига олиб, билим бериб, уларни катта ҳаётга тайёрлаган мураббийлар ўз полапонларини узоқ сафарга кузатаётгандек гўё.

Умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олиш, уларнинг билими ва қизиқишини иноватга олиб, ўз интилишига мувофиқ муайян касбга йўналтиришга аҳамият қаратилаётгани ёшлар сиёсатига оид қарорнинг ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолат бериб турибди.

Умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаётган ўқувчиларни лицей ва коллежларга қамраб олиш юзасидан туман халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида аниқ чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Шоҳрух Ўсаралиев, — Олмазор тумани 15-умумтаълим мактабининг 9-"А" синф ўқувчисиман. 9 йил давомида шу мактабда таҳсил олдим. Бошланғич синфда бепарво, хотиржам ва ўйинқароқ эдим. 5-синфга ўтганимдан сўнг "Ўзбекистон тарихи" ва "Жаҳон тарихи" фанлари ўқитила бошлади. Бу фанлардан тажрибали педагог Гулбаҳор Ходиева сабоқ бердилар. Устозимнинг ҳар бир дарс учун алоҳида тайёргарлик кўриб келганликлари сезилиб турарди. Кўргазмали қуроллар, қизиқарли маълумотлар ва турли ўйинлар билан дарсларни ўтар эдилар. Ҳаттоки баъзида 40 дақиқа қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолардим. Шунингдек, улар ҳар бир мавзу юзасидан тест олар ва шу мавзу юзасидан дарсликдан ташқари маълумотларни ҳам ўқишимиз, изланишимиз, уларни синфдошларимиз билан ўртоқлашишимизга ўргатдилар. Шунингдек, Умида Аҳморова, Гўзал Жалилова ва Маъмура Нишоноваларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Сарвиноз Тўхташева, шу мактабнинг 9-"Б" синфини битираяпман. Мен бу мактабга 7-синфда келганман. Синф сардори мени яхши кутиб олиб, бошқа синфдошларимиз билан яқиндан таништирди. Мен синфдошларим билан тез орада худди авваldан бир синфда ўқиб келаётгандек яқин бўлиб кетдим. Шу икки йил ичида кўп тадбирлар ва байрамларда синфдошларимиз билан бирга фаол қатнашдик.

Менинг онамлар ҳамширалик касбини яхши кўриб танлаганлар ва унинг барча қийинчиликларига бардош бериб, паст-у баландини кўрганлар. Мен уларни оқ халатда кўрганимда беихтиёр шу касб эгаси бўлишим ва келажакда халқимизнинг сиҳат-саломатлигига ҳисса қўшишни режалаштириб қўйганман.

Умида Аҳморова, шу мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари. — Бизнинг мактабимизда 700 дан зиёд ўқувчи таълим олади. Бу йилги битирувчиларимиз сони 62 та. Биз ўқувчиларимиз ўртасида уч босқичли сўровномани ўтказдик. Ўқувчилар сўровномани тўлдиришда ота-оналари билан маслаҳатлашиб, ўзларини қизиқтирган касбларни танладилар. Уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан қизиқдик. Кўп ота-оналар ўз фарзандларининг келажаги, истиқболини ўйлаган ҳолда, уларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлашди. Тўғри касб танлаш — келажак учун тамал тошини қўйиш билан тенг.

Мактаб битирувчилари учун лицей ва коллежларда "Очиқ эшиклар куни", "Мутахассислик – сенинг келажагинг", "Тўғри танланган касб – оила фаровонлиги асоси!", "Замонавий билимлар билан замонавий касб-ҳунарга эга бўламиз!" шиори остидаги кўргазмалар, турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва кўргазмали семинарлар ўтказилиб келинмоқда.

Биз мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида турибмиз. Мактабимиз бундан икки йил олдин тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Замонавий техникалар, дастгоҳлар, ўқув қуроллари, кўргазмали қуроллар, янги педагогик технологиялар билан бойитилган ва жиҳозланган хоналарда дарс ўтар эканмиз, бахри-дилимиз очилади. Болаларнинг ҳам ўқишга, билим олишга бўлган қизиқиши янада ортади.

Гўзал Жалилова, шу мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси. — Мен шу мактабда дарс бераётганимга 20 йилдан ошди. Шу давр ичида қанчадан-қанча ўқувчиларга таълим бердик, уларни катта ҳаётга кузатдик. Бундан ташқари турли тақдирлар, феъли бир-бирига ўхшамаган болалар ва ота-оналарни ҳам кўрдик. Мен педагог сифатида барчага бирдек муносабатда бўлиш, ёшларни ўзбек тилимиз қонун-қоидаларига тўғри риоя қилишлари, аждодларимизнинг меросларини танитишга, уларни адабиётга, санъатга бўлган қизиқишларини ўстиришга ҳаракат қилиб келаяпман.

Қўнғироқ жаранги ҳар бир ўғил-қизни келажакда қайси касбни танлаш, эзгу ишларга қўл уришга чорлайди. Буюк аждодларидан ғурурланиб, уларга муносиб авлод бўлиш масъулиятини юклайди. Уларга: "Оқ йўл сизга, келажагимиз бунёдкорлари, муносиб ворисларимиз, гўзал, бетакрор Ўзбекистонимизнинг мустақиллик фарзандлари", дея энг яхши тилакларни билдириб қоламиз.

Жамолиддин ҲАМДАМОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕВРОПА КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида 23 май куни Европа киноси фестивали очилди. Тадбир "Ўзбеккино" миллий агентлиги ва Европа Иттифоқи делегацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатлар кўплаб йўналишлар, жумладан, маданият ва санъат соҳаларида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз санъат намояндалари Европада ўтказиладиган кўплаб фестиваллар, санъат анжуманлари ва кўргазмаларда, европалик санъат усталари Ўзбекистонда ташкил этиладиган турли маданий тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Европа киноси фестивалида Австрия, Болгария, Буюк Британия, Германия, Греция, Латвия, Португалия, Словакия, Словения, Франция, Финляндия, Швейцария ва Чехия каби мамлакатлар киноижодкорлари томонидан суратга олинган 17 фильмнинг намойиш этилиши кўзда тутилган.

Европа кинематографияси санъатининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирган, қизиқарли воқеаларга бой мазкур асарлар орқали Европа халқларининг турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари, ёшларининг дунёқараши ва ички кечинмалари билан танишиш мумкин.

Маданий анжуман Буюк Британия кино усталари ижодига мансуб "Макбет" фильми намо-йиши билан бошланди. Унда, шунингдек, "Мушукларнинг боши айланмайди", "Оданинг кундалиги", "Кучоқлашиш мактаби", "Синиқ шиша устидаги рақслар", "Эль Греко", "Опа", "Мангулик ва бир кун", "Элла Майяр – икки карра саёҳат", "Гиппократ", "Масхарабозлар", "Нико ва юлдузларга йўл", "Зи хоним" каби қатор фильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

ЗУМРАДОЙЛАР ДАВРАСИДА

Шайхонтоҳур туманидаги 111-сонли мактабгача таълим-тарбия муассасасида "Зумрадойлар давраси" қўлланмаси асосида "Бола тарбиясида маҳалла, оила ва мактабгача таълим муассасасининг ўрни ҳамда ота-онага ҳурмат" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан ташкил этилди.

Унда болажонларни Ватанга, ота-онага, катталарга ҳурмат ҳисларини "Зумрадойлар давраси" қўлланмаси асосида шакллантириб боришда ўтказилаётган тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти, фарзандлар камоли йўлида қилинаётган эзгу ишларнинг моҳияти, маҳалла, оила ва мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Тадбир доирасида болажонлар ижросида янграган куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар ва саҳна кўринишлари барчага бирдай манзур бўлди.

Болаликнинг болдай ширин палласида вояга етаётган болажонларнинг онгу шуурига, Ватан, она сўзларининг муқаддаслигини сингдириш, эзгулик ва яхшиликка чорлаш, тозалик ҳамда ҳалолликка ўргатиш, соғлом турмуш тарзи қоидаларини тушунтиришда мактабгача таълим-тарбия масканлари ходимларининг меҳнатлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, юртимизнинг саодатли, иқболли келажаги болажонларнинг бахтли ҳаёти, порлоқ эртаси билан чамбарчас боғликдир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ЁШЛАР ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан "Ёшларни ёт ғоялар ва турли қарашлар таъсиридан асраш – мақсадимиз" лойиҳаси доирасида "Мен мамлакатимда тинчликни таъминлайман" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Партия фаоллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшларнинг жамиятда муносиб ўринга эга бўлишига кўмаклашиш, илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши йўлида барча шарт-шароит яратилаётир.

– Учрашувда мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти аниқ мисоллар билан тушунтириб берилди, – дейди ЎзА мухбирига университет талабаси Ёдгора Шукурова. – Президентимиз раҳнамолигида биз ёшларга яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ўқишда ва ишда юқори марраларни забт этиш, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш муқаддас бурчимиздир.

Давра суҳбатида мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни асрашга бағишланган видеофильм намойиш этилди. Ёшларнинг мавзу юзасидан саволларига мутахассислар жавоб берди.

С.ШОЕВА







Ислом Исмоилов олган суратлар

Спорт янгиликлари

Осиё чемпионлар лигасида Тошкентнинг "Локомотив" ҳамда Саудия Арабистонининг "Ал Ҳилол" жамоалари ўртасидаги нимчорак финал жавоб учрашувини австралиялик ҳакам — Бенжамин Уильямс бошқарадиган бўлди.

БАҲСГА АВСТРАЛИЯЛИК РЕФЕРИ ТАЙИНЛАНДИ

Унга қанотларда ҳамюртлари Мэттью Крим ва Поль Сетрангололар лайнсменлик қилишади. Ўйиннинг заҳира ҳаками сифатида таиландлик Сивакорн Пу-Удом тайинланган. Таъкидлаш жоизки, австралиялик ҳакам Бенжамин Уильямс "Локомотив" иштирокидаги беллашувларда икки бор ҳакамлик қилган. Ўтган йил бўлиб ўтган "Ал Садд" — "Локомотив" ҳамда шу йил ўтказилган "Локомотив" — "Ал Иттиҳод" учрашувларини айнан Бенжамин бошқарганди.

Эслатиб ўтамиз, "Ар Риёд"да бўлиб ўтган илк учрашувда ҳисоб очилмаган – 0:0. Жамоалар ўртасидаги иккинчи учрашув эса бугун "Бунёдкор" стадионида бўлиб ўтади. Учрашувнинг бошланиш вақти соат 18:00га белгиланган.

ҲАМЮРТИМИЗ МУСОБАҚАГА ТАКЛИФ ОЛДИ

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Азиз Асимов ҳар йили анъанавий тарзда Таиландда ўтказилаётган "King's Cup" турнири учрашувларини бошқариб бориш учун расмий таклиф олди.

"Қирол кубоги" деб ном олган мазкур турнирда Асимовга ҳамюртимиз, ФИФА лайнсмени — А.Усмонов ёрдам беради. Бу йилги мусобақада ўзбекистонлик икки нафар референдан ташқари, Малайзия, Сингапур, Қатар, Мьянма давлатларидан ҳам бир қатор тажрибали референлар ишлайдилар.

Таъкидлаш жоиз, ушбу халқаро мусобақа 3-5 июнь кунлари бўлиб ўтади. Турнирда мезбон – Таиландан ташқари, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 2018 йилги жаҳон чемпионати 3-саралаш босқичидаги рақиби Сурия терма жамоалари иштирок этишади.

Ботир ХЎЖАЕВ

ТАКЛИФ БИЛАН ЧИҚДИ

Жорий йилнинг сентябрь ойидан кўҳна Европа қитъаси миллий терма жамоалари ҳам 2018 йилда футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири гуруҳ баҳсларини бошлашади.

Ушбу нуфузли турнирга пухта ҳозирлик кўриш истагида бўлган Босния ва Герцеговина миллий терма жамоаси Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашуви ўтказишга қарор қилган. Европа вакиллари Ўзбекистон футбол федерациясига мана шундай таклиф билан чиқишган. Фақат боснияликлар таклиф қилаётган сана ФИФА кунларига тўғри келмайди.

Дарвоқе, миллий терма жамоамиз Босния ва Герцеговина билан икки марта ўзаро куч синашган. 2001 йилда Мердена Кубоги финалида Ўзбекистон босниялик чарм тўп усталарини 2:1 ҳисобида мағлуб этган, 2009 йили Тошкентда бу икки терма жамоа ўртасида уюштирилган ўртоқлик учрашуви 0:0 ҳисобида якунланган.

ҒОЛИБ ЖАМОА ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Чилонзор" стадионида 2001 йилда туғилган ўсмирлардан таркиб топган жамоалар ўртасида уюштирилган футбол турнири "Пахтакор" жамоасининг 60 йиллигига бағишланди.

Мусобақада 12 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Қизиқарли ва муросасиз кечган баҳсларда ярим финалга "Пахтакор", "УзДонгЖу", Республика олимпия заҳиралари коллежи (РОЗК) ва пойтахтимиздаги 16-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ) жамоалари етиб келишди. Ярим финалнинг "Пахтакор" ҳамда РОЗК жамоалари баҳсида пахтакорчиларнинг қўли баланд келди. Ўйин 3:0 ҳисобида тугади.

16-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва "УзДонгЖу" жамоалари ўртасидаги иккинчи ярим финал беллашувида 3:1 ҳисобида зафар қучган 16-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам финалга чиқди.

Турнир бош соврини учун "Пахтакор" ҳамда 16-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўзаро беллашди. Муросасиз, ҳужумкор кечган учрашув 16-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоасининг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Якунда ғолиб ва совриндор жамоаларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ШАХМАТ-ШАШКА ЗУККОЛАР ЎЙИНИ

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Чилонзор тумани бўлинмаси, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси ва маҳаллалар билан ҳамкорликда 195-умумтаълим мактабида "Шахмат-шашка донолар ўйини" шиори остида "Биз ақл-идрокли оилалармиз!" спорт мусобақасининг маҳаллалараро босқичи ўтказилди.

Мусобақа 8 та маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилалар ўртасида ўтказилди. Ҳар бир оила 6 нафар иштирокчи – бува, буви, ота-она, ўғил ва қиздан иборат оила аъзоларидан таркиб топган жамоалар қатнашди.

— Соғлом она ва бола йили муносабати билан маданий ва маърифий спорт тадбирлари самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур мусобақа ташкил этилди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлинмаси мутахассиси Тоҳир Жўрабоев. — Миллий ўйинлар турини янада кенгроқ тарғиб этиш, қадимий ақл-идрок ўйини саналган шахмат ва шашкани маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида эъзозлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг мантиқий тафаккур даражасини ўстиришда бу каби спорт тадбирларининг ўрни катта. "Биз ақл-идрокли оилалармиз!" спорт мусобақаси оилалар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка турини янада кенгроқ тарғиб этиш, оилаларни спорт мусобақаларига жалб қилиш, уларнинг бирдамлигини таъминлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, 1-ўринни "Кўтарма" маҳалласида истиқомат қилувчи Тошбоевлар оиласи эгаллади. 2-ўринга "Фидокор" маҳалласидан Ариповлар оиласи, 3-ўринга эса "Заркўрғон" маҳалласида яшовчи Муродовлар оиласи лойиқ топилди. Ғолиб ва фаол иштирок этган оилаларга эсдалик совғалари ҳамда дипломлар топширилди. 1-ўринни эгаллаган оила мусобақанинг туман босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Зарина РУСТАМОВА

Ҳар қандай мамлакат ўз келажагини ёшлар тимсолида, аниқроғи уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишда кўриши табиийдир. Шу сабабли, мустақилликнинг дастлабки кунларидан республикамизда болалар ва ёшларнинг баркамол инсон бўлиб, улғайишига алоҳида эътибор қаратилди.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛИДА

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда қаровсизлигининг олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари бевосита жойларда ҳокимиятлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, "Сен ёлғиз эмассан" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва мактаб-интернатлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари билан ҳамкорликда эътиборга молик ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги ва "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунларида белгиланганидек, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ҳуқуқбузарликлар, хусусан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига киради ҳамда бу борада бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда узлуксиз иш олиб боради. Профилактика инспекторлари билан таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ходимлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчидан*, вояга етмаганлар ва ёшларнинг узлуксиз таълим олишларини таъминлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш; *иккинчидан*, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини таъминлаш; *учинчидан*, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда ўз аксини топади.

Бугунги кунда республикамизда 3767 та милиция таянч пунктларида фаолият олиб бораётган профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудда истиқомат қилаётган фуқароларга ва таълим муассасаларида таҳсил олаётган вояга етмаган ёшларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб вояга етмаганларнинг таълим олишини тўғри ташкиллаштириш ва таълим жараёни узлуксиз назорат қилиниб, бўш вақтлари самарали ташкил этилмоқда. Мисол учун айтиб ўтадиган бўлсак Шайхонтоҳур туманидаги "Зафаробод" маҳалласида жойлашган 368-сонли милиция таянч пунктида профилактика инспектори ва уларнинг ёрдамчилари томонидан ушбу маҳаллада жойлашган 1 та мактабгача таълим муассасаси ва 2 та мактабда таҳсил олаётган 2500 дан ортиқ вояга етмаганларга таълим олишни тўғри ташкиллаштириш ва дарс машғулотларини қолдирмаслик, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароитларни яратмоқдалар. Профилактика инспектори томонидан 2016 йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилган. Лекин олиб борилган ишларга қарамасдан ушбу маҳаллада истиқомат қилаётган 6 нафар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун уларнинг ота-оналари маъмурий жавобгарликка тортилган.

Булардан ташқари профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳудудда юрган яшаш жойи ноаниқ бўлган вояга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилган. Амалиёт таҳлилларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудда жойлашган таълим муассасалари билан доимий равишда ахборот алмашиб, ҳуқуқбузарликлар бўйича етарли даражада тушунтириш ишларини олиб боришлари, тарғибот ва ташвиқот ишларини самарали ташкил этишлари лозим. Шу билан бирга ўғил-қизларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт ўйинларини доимий тарзда ташкиллаштиришлари ва бу мусобақаларда бевосита ўзлари ҳам фаол иштирок этишлари лозим.

Дониёр АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчиси

Мусобақалар

АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИ

Тошкент ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги академик лицейда ҳарбий ватанпарварлик, тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлигини янада ошириш, ўқувчиларда ҳарбий-амалий кўникмаларни амалда мустаҳкамлаш, жисмоний чидамлилик, куч, чаққонлик ва тезкорликни ривожлантириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Амир Темур авлодлари" ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилди.

Мусобақаларда республикамизда фаолият олиб бораётган Тошкент ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги, Самарқанд ҳарбий-қурилиш йўналишидаги, Фарғона ҳарбий-техника йўналишидаги ҳамда Урганч ҳарбий-юридик йўналишидаги академик лицейларнинг ўқувчиларидан ташкил топган терма жамоалар иштирок этдилар. Мазкур мусобақаларда ҳар бир академик лицейдан 10 нафардан спортчи-ўқувчилар: 100 метрга югуриш, турникда тортилиш, 700 граммли гранатани улоқтириш, 3000 метрга югуриш, ҳарбийлаштирилган спорт эстафетаси ва арқон тортиш бўйича куч синашдилар.

Икки кун мобайнида ўтказилган ҳамда қизғин беллашувларга бой бўлган бу йилги мусобақаларда ғолибликни умумий кўрсаткичларга кўра бир хил натижаларга эришган Тошкент ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги академик лицей ҳамда Фарғона ҳарбий-техника йўналишидаги академик лицей жамоалари қўлга киритдилар. 2-ўрин Урганч ҳарбий-қурилиш йўналишидаги академик лицей жамоасига насиб қилди. Мусобақа ғолиблари Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан кубоклар, эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди.

"Амир Темур авлодлари" ҳарбий-спорт мусобақаларининг кўчма байроғи кейинги йил мазкур мусобақаларга мезбонлик қилиш учун Самарқанд ҳарбий-қурилиш йўналишидаги академик лицей жамоасига топширилди.

Ўринбой БОБОЁРОВ,
Тошкент ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги академик лицейнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Кўргазмалар

АБАДИЙЛИК СИРЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида Соғлом она ва бола йили ва кулол-рассом, ҳайкалтарош Наталья Доманцевичнинг 50 ёшлик юбилейига бағишланган, ҳайкалтарошлик, кулолчилик намуналаридан ташкил топган "Уйғониш" номли шахсий кўргазма очилди.

Кўргазмага қўйилган "Баҳор", "Жаннат эшиги", "Кун ва тун", "Безакли ликопча", "Карвон", "Абадийлик", "Булутли кемалар" каби асарлари томошабинни бефарқ қолдирмайди, азалий ва мураккаб мавзулар кишини мулоҳазаларга чорлайди.

Н.Доманцевич 1966 йил Чимкент шаҳрида туғилган. П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида таҳсил олган. Пойтахтимизда Авиасозлар маданият саройидаги кулолчилик тўгарагига, Тўқимачилар маданият саройидаги кулолчилик студиясига раҳбарлик қилган. 1997 йилдан бери Ўзбекистон Ёшлар театрида декоратор бўлиб ишлаб келмоқда. Юртимизда ва чет элларда кўплаб шахсий кўргазмалар ўтказган.

Кўргазма 28 майгача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **25 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 май** ва **26 май** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9225
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 555
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ